

ЗАМОНАВИЙ ХИТОЙ АДИБАЛАРИНИНГ ХИТОЙ АДАБИЁТИДАГИ ТУТГАН ЎРНИ

Инсоният тарихидаги энг қадимий цивилизациялардан бири сифатида Хитой цивилизацияси эътироф этилади. Мамлакатнинг тарихи, маданияти, фан ва санъати, шу жумладан, адабиёти синологлар томонидан зўр қизиқиш билан ўрганиб келинмоқда. Хитойда аёллар адабиётининг пайдо бўлиши жуда қадим даврларга бориб тақалади ва тараққиёт нуқтаи назаридан катта даврни қамраб олади. Битта мақола доирасида бу масалани қамраб олиш душвор. Шу боис, мақола обьекти сифатида XX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган ижодкор аёллар фаолияти танланди. Бу давр Хитойда аёллар адабиёти ривожи янги босқичга кўтарилигандан давр ҳисобланади. Чунки XX асрда Хитой тарихидаги энг йирик воқеалардан бири бўлган “маданий инқилоб” (1966-1976) дан сўнг мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида тубдан ўзгаришлар содир бўлди. 1960 йилларнинг ўрталаридан мамлакат тарихий нуқтаи назардан янги мафкуравий тизимга ўтди, ички бошқарув сиёсатида коммунистик идеологиянинг ҳукмронлиги қарор топди. Бу мафқура қандай оқибатларга олиб келганлиги бугунги кунга қадар ҳам сиёсатчилар томонидан баҳс ва мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Бу хусусида кўплаб илмий тадқиқотлар, таҳлилий материалларни кўрсатиш мумкин. Бу давр хусусиятини лўнда қилиб: ҳар қандай ҳур ва эркин фикр бўғилган, тазиикқа учраган, илм-фан ва таълим инқирозга юз тутган, ўзаро ишонч йўқолган, мамлакатнинг иқтисодий ҳолати танг бир аҳволга келган, маданий қадриятларга жиддий шикаст етган тарзида ифодалаш мумкин. Қолаверса, коммунистик мафкурунинг оқибатлари ўзбек халқи учун ҳам фожеали бўлганлиги тарихдан маълум. Бу ўзгаришлар давр кўзгуси ҳисобланган адабиётга, хусусан, аёллар адабиётига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Хитой аёллар адабиёти кучли ривожланган мамлакатлардан бири ҳисобланади.

XX асрнинг аёллар адабиётининг истеъдодли намояндлари сифатида Юань Цзин, Цао Мин, Бай Лан, Су Цин, Ян Цзян, Цжан Айлин, Люй Бичэн номлари эътироф этилади. Буларнинг ижоди замонавий хитой “аёллар адабиёти” га тамал тоши бўлиб қўйилди. Агар уларнинг ҳаёти ва ижодига назар ташласак, уларнинг ҳаёт йўлида ўша давр ижтимоий муҳитининг таъсири яққол кўзга ташланади. Уларнинг барчаси олий маълумотли, аксарияти зиёли ва бой хонадонларнинг фарзандлари, хорижда таҳсил олишган, мамлакат ҳаётида фаол иштирок этишган.

Бу давр аёллар адабиётида мухим ўрин тутган адаба ва шоиралардан яна бири 萧红 Сяо Хун (1911–1942) бўлиб, унинг асли исми 张乃莹 Чжан Найин хитой реалистик адабиётининг йирик намояндаси, машхур адаб Лу Синнинг шогирди ва ижодининг давомчиси. “Ташландик”, “Ҳаёт ва ўлим майдони” каби асарлари ва бир нечта ҳикоялар тўплами муаллифи. Адаба таржимаи ҳоли ва ижоди танқидчилар, тадқиқотчилар томонидан бир қадар ўрганилган¹. Жуда қисқа умр кўришига қарамай Сяо Хун адабиётда ўз ўрнига эга бўлган ижодкор ҳисобланади. Унинг ижоди аёллар адабиётига янги бадиий усувлар ва мавзулар киритганлиги билан характерланади. Адаба ижодига хос асосий хусусиятлардан бири воқеликнинг тасвирида икир-чикир натуралистик баёнга берилмасликдир, ёрқин реалистик тасвирида икутчилик устуворлиги. Бу хусусият унинг илк ҳикояси ҳисобланган “弃儿” (“Ташландик”) номли автобиографик ҳикоясида ёқ сезилади. Ҳикоядаги тақдир измига ташлаб қўйилган, вазият тақозоси билан қарз ботқоғига ботган ҳомиладор қиз образи Сяо Хуннинг прототипидир². Адабанинг баён услубида, бир томондан, хитой халқ оғзаки ижодига хос бўлган жиҳатлар, иккинчи томондан, Лу Син, Ба Цзин, Лао Ше, учинчи томондан, ғарб ёзувчиларининг услуби таъсири синкретик тарзда намоён бўлади.³ Сяо Хун ижодий изланишлари акс этган ва адабага машҳурлик келтирган энг йирик асар “生死场” («Ҳаёт ва мамот майдони», 1935) қиссасидир. Адаба ижодига бағишлиган барча тадқиқотларда албатта бу асарга маҳсус тўхтаб ўтилади. Унчалик мураккаб бўлмаган хроникали сюжет қоидасига кўра ёзилган бу асар шакл ва қурилишига кўра 中篇小说 чжунпяньсяошо (ҳажман ўртача) жанрига тўғри келади. Н.А. Лебедева асар кучли лирик асосга эга эканлигига ишора қилиб баён услубида 散文 санъвэнь жанри хусусиятлари ҳам мавжуд эканлигини таъкидлайд⁴. Турли ҳажмдаги ўн етти бобнинг 11 бобида оддий дехқонларнинг

¹ Го Юйбин. Сяо Хун пинчуань (Сяо Хуннинг танқидий биографияси). - Пекин, 2009; Лебедева Н.А. Сяо Хун. Жизнь. Творчество. Судьба. Дальнаука, 1998); Лу Синь. Сюянь (Предисловие) // Сяо Хун цюаньцзи (Полное собрание сочинений Сяо Хун в двух томах). Харбин, 1991. Т. 1. С. 54–55; Ма Ли. «Шэнсычан» дэ сяньшичжуи тэчжэн (Особенности реализма «Поля жизни и смерти») // Вэньсюэ цзяоюй. 2008. № 3. С. 78–79; Сяо Хун. Шэнсычан (Поле жизни и смерти) // Сяо Хун цюаньцзи (Полное собрание сочинений Сяо Хун в двух томах). Харбин, 1991. Т. 1. С. 55–144; Ху Фэн. Духоуцзи (Послесловие) // Сяо Хун цюаньцзи (Полное собрание сочинений Сяо Хун в двух томах). Харбин, 1991. Т. 1. С. 144–147; Goldblatt H.C. Hsiao Hung. Boston, 1976; “Поле жизни и смерти”: эстетика реализма писательницы Сяо Хун// Общество и государство в Китае: XLII научная конференция: Часть. 2 / Ин-т востоковедения РАН. - М.: Учреждение Российской академии наук Институт востоковедения (ИВ РАН), 2012. - 385 стр. - Ученые записки Отдела Китая ИВ РАН. Вып. 6. С. 363–367.

² Го Юйбин. Сяо Хун пинчуань (Сяо Хуннинг танқидий биографияси). - Пекин, 2009- Б.50-52

³ Ма Ли. «Шэнсычан» дэ сяньшичжуи тэчжэн (Особенности реализма «Поля жизни и смерти») // Вэньсюэ цзяоюй. 2008. № 3. С. 78–79

⁴ Лебедева Н.А. Сяо Хун. Жизнь. Творчество. Судьба. Дальнаука, 1998. - Стр.-

тинч ва осуда майший ҳаёти, бобида эса япон оккупацияси даври турмуш манзаралари тасвирланади. Қиссада қишлоқ ҳаёти, табиат ва ҳайвонот олами, майший турмуш деталлари ўта ҳаётини тасвирланиши адибанинг болалиги қишлоқда ⁵ ўтганлиги билан изоҳланади .

Қиссада деҳқонлар турмушининг кенг манзараси, уларнинг тирикчилик мани бўлган оғир ва машақатли дала меҳнати, болалик ва кексалик, ҳаёт ва ўлим ҳақидаги тасаввурлари акс этган. Адиба ижодини тадқиқотчилардан бўлган олим Ху Фэн асар ҳақида фикр билдириб айтган қўйидаги гаплари унга берилган таъриф : « ...телба-тескари кўпайиш, тартибсиз ўлим, қон билан беланганд қора тупроқ ва кейин ҳосил йифимидан чорва молларини овқатлантиришгача бўлган ҳаёт бамисли чумолиларники каби»⁶. Мана шу қарашларнинг барчаси Ван хола ҳикоялари воситасида, унинг тилидан баён этилади. Сяо Хуннинг маҳорати шундаки шу бир қарашда ғамгин майший ҳаёт замирида хитой қишлоғининг гўзал манзараси, унинг шовқин-суронли ҳаёти, буғдой далаларида эслан шабадаларнинг майин шивирини назардан четда қолдирмади. Қиссада қишлоқ билан боғлиқ тасвирлардаги пессимистик рух, фожеали қисмат япон аккупацияси билан боғлиқ бобларида янада чуқурлашади. Эркакларнинг камайиб кетиши, аёлларнинг турли жисмоний зўравонликка учраши, қачонлардир ҳаёт қайнаган далаларнинг тобора ҳувиллаб бориши изчил баён этиб борилади. Асарнинг бу қисмида оддий қишлоқ қизи Цзинь Чжи тақдири мисолида ўша давр хотин-қизлари тақдири типиклаштирилади. Муносиб турмуш тарзи илинжида шаҳарга кетган Цзин Чжи наркоманлар қўлида тикувчилик қилишдан ўзга иш топа олмайди. Қиссада ҳаёт ва ўлим майдонида орзулар ва армонлар, шодлик ва қайғу, ёшлиқ ва кексалик, матонат ва сабр ёнма ён юзага чиқади.

ХХ асрнинг 50-йилларига келиб, Мао Цзэдуннинг адабий идеологияси бутун мамлакат бўйлаб ҳал қилувчи кучга айланди. Бу идеологиянинг асосида адабиётнинг ижтимоий-сиёсий самарадорлигини ошириш турарди. Бир сўз билан ифодалаганда, адабиёт синфий, сиёсий манфаатларга хизмат қилиши, бўйсуниши лозим эди. Мазкур идеология ҳар қандай ижод эркинлигини тақиқлар эди. Натижада бу сиёсатга қарши бўлган ва уни қўллаб қувватламаган кўплаб ижодкорлар хорижга чиқиб кетдилар. Аксарият ёзувчилар таржималар билан шуғуллана бошладилар. Айни шу йиллари ҳам аёллар адабиёти ривожланишда тўхтамади. Аксинча, жуда кўплаб шоира ва адibalар адабиёт сахнасига кириб келдилар. Юань Цзин, Цао Мин, Бай Лан, Су Цин, Ян Цзян, Цжан Айлин, Люй Бичэн ва бошқа ўнлаб ижодкор шулар жумласидандир.

⁵ Goldblatt H.C. Hsiao Hung. Boston, 1976; – Стр.14

⁶ Ху Фэн. Духоуцзи (Послесловие) // Сяо Хун цюаньцзи (Полное собрание сочинений Сяо Хун в двух томах). Харбин, 1991. Т. 1. С. 145.

Уларнинг ижоди турли дунёқараш ва ғояларнинг ифодаси бўлиб, бадиийлик жиҳатидан ҳам фарқланади. Улардан айримлари мавжуд вазиятга теран қараб, бадиий баркамол асарлар яратган бўлсалар, айримлари Коммунистик партия ғояларининг тарғиботчи, мафкура хизматчиси сифатида фаолият юритганлар.

ХХ аср Хитой адабиётида “энг истеъдодли” деб эътироф этиладиган ижодкор аёлдан яна бири сифатида Чжан Айлин 张爱玲(1920-1995) номи зикр этилади. Чжан Айлин ижодининг айрим қирралари синологлар томонидан ўрганилган. Жумладан, Лео Ли⁷, Ли Оуфань⁸, Николь Хуан⁹, Ван Аньи¹⁰, Ю.А. Куприянова¹¹ ларнинг ишлари шулар жумласидандир.

Чжан Айлин ўз ижодини 11 ёшида бошлаган бўлса-да, адибага ҳакиқий машҳурликни унинг Шанхайдага яшаган даврларда қилган ижоди келтирди.

Сиёсий вазият туфайли адибанинг ҳаёти гоҳ Гонконгда, гоҳ Шанхайдага кечган. У томонидан нашр қилинган “傾城之戀” (“Ташландик шаҳардаги муҳаббат”) романи, “Олтин кишанлар” қиссаси, 赤地之戀, (“Куйган заминдаги ишқ”), 流言 (“Фийбатлар”), 怨女 (“Баджаҳл хоним”), “半生緣” (“Ярим умр), “張看” (Катта очилган кўзлар), “惘然記” (Меланхолия) каби қатор романлари адибага мисли кўрилмаган машҳурлик келтирди. 1955 йилда Айлин мамлакатни тарқ этиб АҚШга чиқиб кетишга мажбур бўлди. Муҳожирликда яшаган даврларида Айлин хитой адабиётнинг машҳур намуналарини инглиз тилига таржима қилди. У нафақат ёзувчи, педагог, таржимон, балки кинорежиссёр сифатида ҳам машҳур. Шунингдек, унинг асарлари асосида кинофильмлар ҳам ишланган.

Чжан Айлин насрнинг деярли барча жанрларида самарали ижод қилган. Унинг қаҳрамонлари асосан оддий аёллар бўлиб, асарлари учун манба бўлган воқеалар аксарият ҳолларда адибанинг шахсий ҳаётидан олинган. Табиийки аёллар мавзуси кўтарилганда, албатта, оила, никоҳ, аёл руҳияти каби масалаларга эътибор қаратилади. Шу билан бирга Чжан Айлиннинг маҳорати шундаки у аёл тақдирни орқали ўша даврнинг тарихий воқелигини, сиёсий вазиятни ҳам тасвирга ола билади. Давр жиҳатдан адиба кўпроқ 30-40 йилларда содир бўлган воқеаларни қаламга олади. Бу хитой жамияти учун ўзига хос ўтиш даври эди. Шу сабабли адиба асраларида конфликт асосини анъанавий “эски” ва “янги” дунё тўқнашуви ташкил қиласиди.

⁷ Huang N. Introduction//Chang E. Written on water. – New York, 2004. P.IX-XXVII

⁸ Li Oufan. Shanghai modeng – yi zhong dushi wenhua zai shanghai 1930-1945. - Beijing, 2001

⁹ Lee L. Shanghai modern: The Flowering of a New Urban Culture in China 1930-1945. – Cambridge MA, 1999

¹⁰ Ван Аньи. Такая обычная и земная Чжан Айлин.// Китайские метаморфозы:современная китайская художественная парода и эссеистика/ Составитель и ответственный редактор Д.Н Воскресенского. – Москва, 2007.

¹¹ Куприянова Ю.А. Образ новой женщины Китая в середине XX века в творчестве Чжан Айлин/Вестник СпбГУ. Сер. 13. 2014. Выпуск 4.- с.100-107

“Туйғу, ақл” (“色, 戒”, “Сэ, цзе”) номли ҳикояси анча шов шув ва таъқиқларга сабаб бўлган асарларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ҳикоя 50 йилларда ёзилган бўлса-да фақат 1978 йилга келиб **Хуангунь** (“皇冠”) журналида нашрга рухсат берилди¹².

“Туйғу, ақл” одатда ҳикоя жанри қолипига сифдириш мураккаб ҳисобланган тарихий мавзуда ёзилган. Ҳикоядаги деярли одатий кўринган майший турмуш лавҳаларининг таг заминида муҳим тарихий воқеаларга ишора ётади.

Ҳикояда аксарият иштирок этувчи аёлларни адiba бирор исм билан атамайди, балки “қор ёпқич” дея келтиради. Бундан асосий мақсад ўша пайтдаги ватанига хиёнат қилиш орқали жон сақлаётган мансабдорлар ва уларнинг аёлларининг қиёфасини яратиш эди. Уларнинг асосий машғулотлари: дўконларни айланиш, ҳашаматли кийиниш, ресторонларда овқатланиш, маджонг¹³ ўйнаш, меҳмондорчилик, бир-бирларига басма бас уй жиҳозларини харид қилиш ва шу кабилар. Уларнинг суҳбат мавзулари асосан кимнинг брилланти неча карат оғирирликка эга ва қандай рангда эканлигининг, ким буюмларни қаердан харид қиласди, ким кимга нима совға қилганлиги муҳокамасидан иборат. Бу суҳбатлар замирида ҳасад, иккюзламачилик, худбинлик каби иллатлар ётади. Бу аёлларнинг хулқига қарама қарши ўлароқ ватанправар ёш талаба қизлар образи ҳам яратилганки, улар сотқинлик қилаётган мансабдорларни аниқлаш, улар ҳақида ахборот йиғиши ва ватани фойдасига “айғоқчи”лик қилишни ҳаётларини хатарга қўйиб бўлса-да бўйнига олишган. Адебанинг маҳорати шундаки, у воқеаларнинг одатий ривожи, ҳамма кутгандек якунини бермайди ёки ватанпарварлик ҳақидаги баландпарвоз foяларни тарғиб қилмайди. Ватанпарвар “айғоқчи” қизнинг японларга хизматкор бўлган мансабдор шахсни севиб қолиши эпизодини киргизиш орқали воқеа ривожига кескин бурилиш ясайди. Натижада унинг ҳаётини сақлаш қолишга бўлган интилиши ўзи ва дўстларининг ўлимига олиб келади.

Адеба бу ватанпарвар талаба қиз образи орқали ҳар қандай сиёсий қалтис вазиятда ҳам аёлнинг ўзига хос қалби, ҳис-туйғулари бўй кўрсатиб туриши, баъзан ақл ва туйғу бир-бирини рад этиши, муроса қилолмаслиги каби фикрларни илгари суради. Ҳикоянинг “Туйғу, ақл” деб номланиши ҳам эҳтимол шунга ишорадир. Адеба хоин мансабдорларни оқлаш ёки қоралаш мақсадидан йироқ. У қаҳрамонларини бир томонлама талқин қилмайди.

¹² Бунинг икки сабаби бор. Биринчиси, ҳикоя сюжети адебанинг турмуш ўртоги асл касби ёзувчи бўлган, аммо Япония назоратидаги ташвиқот ва тарғибот бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган Xu Ланъчэн сўзлаб берган реал воқеалар асосида шакллантирилган эди. Кўп ўтмай адеба турмуш ўртоги билан ажралади ва бу унинг руҳиятига жуда кучли таъсир кўрсатади. Чжан Айлин анча пайтгача ҳикояни нашр масаласи билан шуғулланмайди.

¹³ мажонг ёки маңзян ўйини — қиморга ўхшаш ўйин. Хитой, Японияда кенг тарқалган.

Хусусан, жаноб И образида ҳам шундай ёндашувнинг гувоҳи бўламиз. Унинг ҳаётида ҳам асло хотиржамлик йўқ. Бир томондан уни ўзи хизмат қилаётган япон хукумати, иккинчи томондан ватанпарвар “айгоқчилар”нинг агентлари кузатадилар. Устига устак оиласа ҳам ўзини тўлақонли баҳтли ҳисобламайди. Хотинининг доимий кузатуви ва назорати уни диоми хавотирда, нотинч яшашига сабаб бўлади.

Чжан Айлин қаҳрамонларининг катта бир туркумини талаба ёшлар образи ташкил қиласди. Талабалар ҳаёти орқали Айлин мамлакатдаги таълим жараёнлари, таълимга бўлган муносабат масаласига ҳам беэътибор эмаслигини намоён этади. Бундай ёндашув Ю.А. Куприянованинг таъбири билан ифодалаганда адебанинг Муқаддас Мария Аёллар коллежи, Гонгконг университети талабалари ва шанхайлик дугоналари билан бўлган муносабатлари ҳосиласи бўлиши мумкин. Шу сабабли унинг аксарият қаҳрамонлари булар тўқима образлар эмас, балки адiba ҳаёт йўлида тўқнаш келган инсонларининг прототиплариидир¹⁴. Шу билан бирга унинг деярли барча асарларида қизил чизик сингари севги муҳаббат мавзуси мавжудлиги кузатилади. Аёллар, ота-оналарнинг оила ва никоҳга муносабати масаласи адебанинг доимо диққат марказида бўлган. Айниқса, жамиятда никоҳга моддий манфаат манбаи деб қараш (“Ташландик шаҳардаги муҳаббат”, “Олтин қаср хақида қисса”, “Кишанлар”) тенденцияси уни чуқур изтиробга солган.

Чжан Айлин ижодига бир томондан Хитой, иккинчи томондан Ғарб адабиёти таъсири сезилади. Одам ва оламга танқидий кинояли қараш, чуқур таҳлиллар, кичик ҳажмли қизиқарли воқеаларда кўпроқ адебанинг шахсий ҳаёт тажрибалари, адолат ва ҳақиқатни излаш тамойили устунлик қиласди. Асарларининг тили ва адебанинг баён услуби тушунарли ва аниқ. Анча йилларгача адабий доираларда унинг номини тилга олиш ҳам тақиқланган эди. Унга адабий фаолият ниқоби остида хорижликлар фойдасига айгоқчилик қилган деган айблов тамғаси қўйилган эди. Аммо 1946 йилги мақолаларидан бирида у «Мен ҳеч қачон сиёсатга аралашмаганман, шунингдек мен ҳеч ким ҳеч қачон молиявий жиҳатдан қўллаб қувватламаган» деган сўзлари билан унга нисбатан билдирилган айбловлар тухмат эканлигини билдирган¹⁵.

Хулоса қилиб айтганда юқорида айтиб ўтилган адебаларнинг ижоди турли дунёқараш ва ғояларнинг ифодаси бўлиб, бадиийлик жиҳатидан ҳам фарқланади. Улардан айримлари мавжуд вазиятга теран қараб, бадиий баркамол асарлар яратган бўлсалар, айримлари Коммунистик партия ғояларининг тарғиботчи, мафкура хизматчиси сифатида фаолият юритганлар.

¹⁴ Куприянова Ю.А. Образ новой женщины Китая в середине XX века в творчестве Чжан Айлин/Вестник СпбГУ. Сер. 13. 2014. Выпуск 4.- с.101

¹⁵ Чжан Айлин и китайская религия - <http://russian.cri.cn/841/2011/09/06/1s395599.htm>

Хитой аёл адабиёти ижодкорлари хитой адабиёти тарихини ранг-баранг, жозибадор асарлар билан бойитди. Мавзулар кўламига кўра хилма хил бўлган мазкур асарлар нафақат хитойлик китобхонларнинг, балки дунё бўйича адабиёт ихлосмандларининг севимли асарларига айланиб улгурди ва оммалашди.